

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**SAMARQAND DAVLAT SHET TILLAR INSTITUTI**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**TIL TIZIMI SATHLARI:  
SEMANTIK-FUNKSIONAL VA STRUKTUR  
ASOSLAR**

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari  
(Samarqand shahri, 2009-yil 18-19-dekabr)**

**УРОВНИ СИСТЕМЫ ЯЗЫКА: СЕМАНТИКО-  
ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ И СТРУКТУРНЫЕ  
ОСНОВЫ**

**Материалы Республиканской научно-практической конференции  
(г.Самарканд, 18-19 декабря 2009 года)**

**SAMARQAND-2009**

<b>Р.А.Сувонова (СамДУ) РАВИШИ СЎЗ ТУРКУМИГА ОИД СЎЗЛАРДА МЕТОНИМИЯ</b> .....	70
<b>А.Б.Ахмедов (КаршиГУ) РАЗГОВОРНЫЕ НЕОЛОГИЗМЫ — ЗАИМСТВОВАНИЯ</b> .....	72
<b>В НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ</b> .....	72
<b>А.А.Шерматов (СамДЧТИ) ИЛМИЙ – ТЕХНИК МАТНЛАРДА “INTENSIFIERS”</b> <b>ЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ</b> .....	73
<b>Р.Ј.Nazarov (SamDCHTI) OG’ZAKI SO’ZLASHUV NUTQINING O’ZIGA XOS BELGILARI</b> <b>BORASIDA</b> .....	75
<b>Ш.К. Нурбаева (СамГИИЯ) ОПИСАНИЕ ТЕРМИНОЛОГИИ МЕТОДОМ ОМОНИМИЧНО</b> <b>– ПОЛИСЕМАНТИЧЕСКОГО БЛОКООБРАЗОВАНИЯ В ТОЛКОВОМ СЛОВАРЕ</b> <b>АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА</b> .....	79
<b>А.Сайфуллаев (СамДЧТИ) ПРЕДЛОГНИНГ ЛИСОНИЙ МОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	81
<b>К.Н. Намозов (СамДЧТИ) ЎЗЛАШТИРМА ТАПНИ БОШҚАРУВЧИ</b> <b>КОНСТРУКЦИЯЛАРДА ЭГАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ</b> .....	83
<b>Б.Г. Липовецкая (ТГПУ) ОСОБЕННОСТИ СЛОВАРНОГО ТОЛКОВАНИЯ</b> <b>ФРАЗЕОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В МЕТОДИКО-ДИДАКТИЧЕСКОМ</b> <b>АСПЕКТЕ</b> .....	85
<b>Ж.Ж.Эгамбердиев, И.А.Эгамбердиева (АДТПИ) ТРОПЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК</b> <b>ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	87
<b>Б.А.Каримова (ТГПУ) ПРИНЦИПЫ КОДИФИКАЦИИ ПАРЕМИОСИСТЕМЫ</b> <b>АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ТОЛКОВОМ СЛОВАРЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА</b> <b>АКАДЕМИЧЕСКОГО ТИПА</b> .....	89
<b>Д. А.Киселёв (СамГИИЯ), У.А.Сафарова (СамГУ) К ВОПРОСУ О СТАТУСЕ</b> <b>СЛОВСОЧЕТАНИЯ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ В СИСТЕМЕ ЕДИНИЦ ЯЗЫКА</b> .....	90
<b>Ғ.М.Исmoilов (ЎЗР ФА ТАИ) ФАН СОҲАЛАРИНИНГ ЎЗARO ТЕРМИН</b> <b>АЛМАШИНУВИ ВА ОМОНИМИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ</b> .....	92
<b>Н.У.Утяпова (СамГИИЯ) ГЛАГОЛЬНАЯ ПРИСТАВКА VER- В СОВРЕМЕННОМ</b> <b>НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ</b> .....	94
<b>З.Юнусзода (СамДУ) САФАРНОМА ЖАНРИ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ</b> <b>ХУСУСИДА</b> .....	96
<b>Ш.Ш.Шергозиев, М.О.Охундаева (НУУЗ) ОСОБЕННОСТИ ДЕРИВАЦИИ</b> <b>АНГЛИЙСКИХ АНТРОПОНИМОВ</b> .....	99
<b>М.Н.Тўланова (ЎЗДСИ) ТАСОД САНЪАТИ ЛУҒАВИЙ-УСЛУБИЙ ВОСИТА</b> <b>СИФАТИДА</b> .....	100
<b>Н.Содиқова (СамДЧТИ) ТИЛШУНОСЛИҚДА “АЛОҚА” ВА “МУНОСАБАТ”</b> <b>ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР</b> .....	103
<b>Н.З.Бахриева (СамГИИЯ) К ВОПРОСУ ОБ ОБУЧЕНИИ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ</b> <b>ФОРМЫ ОБЩЕНИЯ</b> .....	106
<b>Р.А.Шукурова (СамДЧТИ) КЎПИ МАЪНОЛИ ФРАНЦУЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ</b> <b>АЙРИМ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	107
<b>М.Д.Даниева (КаршиГУ) ПАРАДИГМА СУБСТАНТИВНОГО СЛОВСОЧЕТАНИЯ И ЕЁ</b> <b>КОНТЕКСТУАЛЬНАЯ РЕКУРРЕНТНОСТЬ</b> .....	109
<b>М.Содиқова (СамДУ) МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБЛАРНИНГ ОҒЗАКИ</b> <b>НУТҚИНИ ЎСТИРИШ УСЛУБИ ТЎҒРИСИДА</b> .....	110
<b>А.А.Морозова (СамГИИЯ) ВОЗРАСТНЫЕ ГЕНДЕРНЫЕ СТЕРЕОТИПЫ В СЕМАНТИКЕ</b> <b>ПОСЛОВИЦ НЕМЕЦКОГО И ИСПАНСКОГО ЯЗЫКОВ</b> .....	111
<b>О.Й. Дўстмуродова, С. Содиқова (СамДУ) ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ОНА</b> <b>ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ БИЛАН ТАҚОСЛАБ ЎРГАТИШ</b> .....	113
<b>Н.Н.Сувонова (СамДЧТИ) ИНСОН ТАНА АЪЗОЛАРИ НОМЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ</b> <b>ФРАНЦУЗЧА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРГА ХОС СТРУКТУР ВА ГРАММАТИК</b> <b>ХУСУСИЯТЛАР</b> .....	115
<b>Я.Б.Рузиев (БухГУ) РЕАЛИЗАЦИЯ ПАРАДИГМАТИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА</b> <b>ВРЕМЕННЫХ ФОРМ В СИНТАГМАТИКЕ</b> .....	118

как и в языке вообще, имеет место деривация на базе заимствований. Собственные имена — своеобразная лексико-грамматическая категория, которая исследуется наукой в различных аспектах.

Антропонимисты рассматривают специфику антропонима как языковой категории, структуру его значения, степень мотивированности семантики антропонима, функции антропонимов в языке и речи. Широко изучается использование имен в художественной литературе, социальная обусловленность антропонимов, способы и средства выражения эмоционально-экспрессивных оттенков в именах. Рассматриваются официальные и неофициальные формы антропонимов, их стилистическая дифференциация, продуктивные способы образования фамилий и имен в русском языке, антропонимия в территориальных социальных диалектах.

В ряде лексикографических источников этимологические данные о заимствованных личных именах не совпадают. Встречается двойная трактовка этимологии одного имени. — Angelus (gr.-lat.). В связи с этим этимология личных имен, участвующих в усечении, определялась с учетом частотности совпадения помет в словарях. Решающим фактором отнесения личного имени к той или иной группе заимствований считались пометы зафиксированные не в одном, а в нескольких словарях. При этом следует подчеркнуть, что усечения не всегда относятся к тем или иным этимологическим группам, что и именуются именами.

Национальные особенности антропонимов отражаются уже в антропонимической формуле, которая представляет собой порядок следования различных видов антропонимноуменов в официальном именовании человека данной национальности, состоянием вероисповедания в определенную эпоху. Норма употребления антропонимов, будучи определенной степени изменчивой, является достаточно традиционной для каждого языка. Возможность употребления антропонимов с артиклями, местоимениями, прилагательными и другими детерминативами обусловлена особенностями семантики имен собственных.

Актуализация того или иного компонента семантической структуры и обусловленная возможностью структурно-семантического развертывания антропонимов в речи возможность употребления имени собственного в прямом и переносном значении. Актуализация той или иной части лексического фона происходит в контексте. Английские личные имена в обычном употреблении не принимают артикля. Некоторые даже считают отсутствие артикля внешним признаком имен собственных. Употребление детерминативов, в первую очередь артиклей, создает структурную рамку, обладающую определенным синтаксическим и семантическим потенциалом. По фонологическим и морфологическим признакам английские личные имена можно подразделить на три группы:

- а) имена полные или исходные: Alexander, Agnes, Catharine, Elizabeth и т.д.;
- б) их варианты: Alastair, Annis, Katharine, Elspeth и др.;
- в) дериваты: Alec, Aggie, Katie, Bet, Betty, Liz и т.д.

Дериваты объединяют все производные имена: сокращенные, ласкательные, уменьшительные и фамильярные, не поддающиеся четкой дифференциации.

М.Н. Туланова (Узбекистан)

## ТАЗОД САНЪАТИ ЛУҒАВИЙ-УСЛУБИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Сўзлардаги зид маънодилик ёки тушунчаларни зидлаш орқали яратиладиган аграмматик бадий нутқнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Асар таркибида зид маъно сўзларни қўллаш тазод санъатини ҳосил қилади.

Тазод санъати лафзий санъатлар ичида энг кўп қўлланиладиган луғавий-услубий воситалардан биридир. Бу санъат мумтоз адабиётда-мубоика, тибок, тадбиқ, иттиҳод, муттазод каби номлар билан ҳам аталиб келинган. Тазод санъатини ҳосил қилиш

бийёшуносликка оид луғатларда баъзан антитеза<sup>1</sup> деб ҳам атайдилар. Бу санъат ҳақида тиликага доир асарларда ва шу мавзуга бағишланган махсус илмий мақолаларда қимматли ҳужжатлар берилган.

Тазод санъати зид маъноли сўзлар асосида яратилган кучли эмоционал-экспрессив ва тубой воситадир. Бу бадиий санъат воқеа-ҳодисалар ва нарсаларнинг белги сўзланишларини, ҳаракатнинг бажарилиши ҳолатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш шаклидир. Барча маъновий ва лафзий санъатлар сингари бу санъатни ҳам сўз санъаткорларининг ижодий мероси материаллари асосида текшириш муҳим амалий ва теориявий аҳамиятга эга. Айниқса, маълум бир санъаткорнинг сўз қўллаш маҳорати, бадиий услубини ўрганишда тазод санъатининг ўрни ва аҳамиятига эътибор бериш лозимдир. Тазод санъати Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзо каби шоирларнинг асарларида маҳорат билан қўлланган. Сўзларнинг зид маънолари орқали тазод яратишда улар тўла зидлашган ҳолда шарт эмас, баъзи ўринларда сўзларнинг маъно қирраларидан фойдаланган ҳолда яратиш мумкин:

Бир кечада дилим мункайиб қолди,

Мунғайиб қолди дилим.

Кўчада кулгулар шарқироқ сойдек,

Мен ёш боладек ўқиндим.

(Иқбол Мирзо, “Висол оқшомидан сўнг”)

Шеърда “кулгу” сўзига “хафа бўлмоқ” маъносидаги „ўқинмоқ“ сўзи зидлашган. Шеърдаги намунада кузатилганидек, бу мисолда ҳам зид маънолилик ва маънодошлик билан ён ифода этилган. Мунғаймоқ ва ўқинмоқ хафалик белгисидир. Бу ўринда шоирдаги сўз қўллаш маҳорати “кулмоқ” феълени жонлантирган шарқироқ сойдек бирикмаси бевосита маънони акс эттирган. “Ўқинмоқ” сўзи эса “ёш боладек” ўхшатиши билан изоҳланиб, халқ тилига хос тушунча шеърга янги руҳ бағишлаган.

Эпитетлар воситасида тазод санъатини яратиш Аъзам Ўқтамнинг “Тилим” шеърисида кучайтиришга хозмат қилади:

Тилимдан бол толмас, аччиқ ҳам эмас,

Ярайди қалбдагин изҳор этишга.

Узунмас унчалик, қисик ҳам эмас,

Этади бўйнимдан тортиб кетишга.

“Тили узун”, “тили қисик”, “тили аччиқ” ибораларида тил сўзининг тушириб берилиши, унинг аниқловчи элементлари мазмунини бўрттириб, равшан қилиб ифодалаш боғлиқ. Шеърда “тили аччиқ” ибораси кишининг таъбига тегиб гапирадиган<sup>2</sup> маъносида, “тили қисик” ибораси гапирмасликка, эътироз билдирмасликка мажбур<sup>3</sup> маъносида келган бўлиб, унинг антоними “тили узун” ибораси эса “тили қисик” нинг маъносида қўлланган. “Ширин”, “ширин сўз” маъносини англатувчи бол, “ширин сўз” маъносидаги “бол томмоқ” ибораси “тили аччиқ”, яъни “тили ёмон” иборасига қарама-қарши қўйилган. Узун эпитети иборада “ҳар нарсани гапиришга қодир тил” маъносини англатасди. Қисик эса, аксинча, “кўп нарсани очик гапира олмаслик” маъносини ифодалаб, иборадаги қисик сўзлари зидлашади ва тазод яратилади.

Шавкат Раҳмоннинг “Дастхат” шеърисида қора ва ёруғ сифатларининг интенсивлигини антонимик ҳолда (қора сўзи “қоронғи” маъноси

<sup>1</sup> Хоқонова Б., Хотамов Н. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати, 1979.-Б.92; Ҳомидий Ҳ. Адабиётшунослик терминлари луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1967.-Б.215.

<sup>2</sup> Султоллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. -Тошкент: Қомуслар, -Б.256.

<sup>3</sup> Султоллаев Ш. Келтирилган иш. -Б.60.

билан ёруғ сўзига антонимдир) қўллаш орқали кескин контрастликни юзага келтирган. Ёруғ сўзининг маъноси қора сўзи билан қаршиланиши натижасида янада “ёруғлашган” тиниқлашган<sup>3</sup>:

Гўзаллик, покликдан уялиб,  
Қисиниб, қимтиниб турасан.  
**Қоп-қора деворга суяниб,**  
**Ёп-ёруғ ҳаёллар сурасан.**

Шеърда қоп-қора девор жумласи келажак, “номаълум ҳаёт” маъносини, ёп-ёруғ ҳаёт жумласи эса “орзу-умид” тимсоли бўлиб келган. Аслида тазодга асос слоган тушунчалар “сирли”-келажаги номаълум ва “аён” – аниқ, режалаштирилган сўзларидир.

Замонавий ўзбек шеърлятида тазод санъатини ҳосил қилишга хизмат қилган антонимлар турли хил: аслант зид маъноли сўзлар ёки шаклан, ясама (морфологик шакл) кўра зидланган) ҳамда сўзнинг кўчма маъноси – ибораларга асосланиб зидланган сўзлардир. Масалан, *ҳаёт-ўлим, осмон-ер, душман-дўст, сокин-нотинч, кеч-эрта, ибтидо-интиҳо* бошқалар.

Шоир одамларнинг ижтимоий ҳолати орқали тазод яратиши мумкин:

**Шоҳ эдим, олай деб бўлдим фуқаро**

Ногоҳ тушиб кетган рўмолчасини. (Аъзам Ўктам, “Рўмолча”)

Пайт ва ҳолатни билдирадиган сўзлар тазодни ҳосил қилади.

**Бу сокин, бу нотинч дунёга**

**У кеч келган ё эрта келган.**

(Аъзам Ўктам, “Сохиба”)

Илмий ҳолатни тушунчаларда вертисал жойлашуви орқали антоним сўзлар ҳосил қилинган:

**Ҳоҳ осмонман, ҳоҳ ерман**

Мен шу бугун шоирман.

(Иқбол Мирзо, “Шоир”)

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тазод санъати қайд қилинганидек, доимо луғавий антонимлардан ҳосил бўлавермайди. Баъзи ҳолларда тазодни юзага келтираётган лисоний материал, бадий матн қуршовида қарама-қарши маъноларни яратиш, тазод санъати учун асос вазифасини ўтайди. Бундай матний (контекстуал) антонимлар асосида шакллантирилган тазодга мурожаат қиламиз:

**Келсанг, кундай куларкан,**

**Кетсанг, гулдай сўларкан.**

(Аъзам Ўктам, “Қизғаниш”)

Кун ва гул сўзлари аслида тил луғат бирлигида антонимлар сўзлар эмас, мандаги –даш ўхшатиш воситаси орқали *келсанг-кетсанг, кулмоқ ва сўлмоқ* маънолари уларга зид маъноли-антонимик муносабатларга киришиш имкониятини яратган. Лирик қаҳрамон ўз ҳолатини баён қилиш борасида зидликни ифодалайдиган турли луғавий воситаларни танлайди. Кундаги кулмоқ бирикмаси бахт, ҳаёт нишонаси, гулдай сўлгинлик азоб, бахтсизлик, ўлим маъноларини англатган.

Замонавий ўзбек шеърлятида тазод намуналарининг лингвистик таҳлили шуни кўрсатадики, а) шоирлар тазод учун асос қилиб олинган материални туб антонимлар асосида танлаган; б) тазод санъати учун олинган материал контекстуал (матний) зидликка асосланган; в) айрим ҳолларда сўзларнинг шаклий морфологик белгисига кўра зидликка асосланган; г) тилдаги афоризмларнинг шакл ва маъно хусусиятларидаги зидлик орқали ҳам тазод санъати ҳосил қилинган. Кузатилган мисолларда тазод санъатининг лисоний-услубий таҳлили орқали замонавий шоирлар мумтоз шеърят аънанасини давом эттирган тил воситаларидан ижодий фойдаланган ҳолда, айрим ўринларда диалектал материалларни

бадний тилга жалб қилиб, ўзбек шеърятининг шакл ва мазмунини янги намуналар шисобига бойитганликларини кўрсатади.

Н.Содиқова (СамДЧТИ)

## ТИЛШУНОСЛИҚДА “АЛОҚА” ВА “МУНОСАБАТ” ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, тилшуносликка оид деярли барча тадқиқотларда “грамматик алоқа” ва “грамматик муносабат” ёки кенгрок-, умуман, тил унсурлари ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳақида мулоҳазалар тез-тез учраб туради. Бунда баъзилар ушбу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда ўз мақомига эга дейишса, бошқалар уларни қўллаштириб юбориб, синоним тарзида талкин қилишади.

Бизнингча, тилшуносликда “алоқа” ва “муносабат” мустақил мантиқий тушунчалар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида қаралмоғи лозим. Тўғри, кўп ҳолларда улар бир-бирини тақозо қилиши мумкин.

Мақолада мазкур тушунчаларнинг табиатини ёркинрок очиб бериш мақсадида биз тилшунослик таниқли тилшуносларнинг бу борадаги фикрларига мурожаат қиламиз. Бунда биз қўлланган манбаларни ҳеч ўзгаришсиз қўштирноқ ичида тўлиқрок бериб, сўнгра уларнинг таърифига ўтамиз. Имкони борича, ҳар бир шарҳда ўзимизнинг қарашларимизни ҳам беришга ҳарат қиламиз.

Чунончи, Б.Н.Головин, “Тил ва онг” ҳамда “Тил ва тафаккур” масалаларини таҳлил қилиб туриб, сўз маъносининг лисоний алоқа ва муносабатлар доирасида ўрганилиши ҳақида қўллагиларни таъкидлайди: “... какое отношение личностные смыслы имеют к лингвистической структуре языка и речи... В плане лингвистическом нужно, очевидно, отметить, что эти личностные смыслы всегда выражаются единицами речи, речевыми элементами в составе целого текста...” [Общее языкознание 1979: 84].

Муаллиф, тил элементларининг алоқа ва муносабатларига тўхталиб, улар ўртасидаги таъқиб кўрсатишга уринади: “Когда мы говорим “связи”, то, очевидно, предполагаем взаимодействие “связанных” элементов. Когда мы говорим “отношения”, то предполагаем наличие всего сходства и различия. Однако, эти сходства и различия участвуют в организации текста, создают ту структуру отношений и “опозиций”, от которой зависит и целое, и его части; между отношениями и связями нет непреодолимого рубежа”.

Шу билан бирга тил унсурлари ўртасидаги алоқа ва муносабатларда ўтиб қўйилган аниқ бир чегара мавжуд эмаслигини таъкидлаб, бу борада тадқиқотчилар қўлдан ҳали бир тўхтамга келинмаганлигини ҳамда тилдаги бу ҳолатлар кўп ҳолларда бир-бирини тақозо этишини уқтиради ва бунга қуйидагича муносабат билдиради: “Наука о языковых связях и отношениях далека от полного и точного понимания и описания связей и отношений между различными областями языкового механизма. Однако многое все же известно, и это позволяет привести два-три примера.

а) Лексика и словообразование и связаны, и соотнесены по многим и разным направлениям. Образование новых слов обязательно опирается на уже существующие слова, поэтому словообразование не может работать без такой опоры. Вместе с тем этот механизм, работая, дает новые слова, пополняет и изменяет лексику.

б) Словообразование оказывается связанным и соотнесенным также морфологией: известно, что в пределах разных частей речи действуют свои автономные механизмы словообразования. Морфология, таким образом, видоизменяет общие закономерности и механизмы образования новых слов, приспособлявая их к своим требованиям и особенностям...”

в) ...хорошо известны многие линии связей и отношений между морфологией и синтаксисом, обусловленные, прежде всего их общей грамматической основой. В области синтаксической семантики можно назвать влияние синтаксических словесных позиций (предложения) на части речи: как правило, в позиции подлежащего и дополнения